


# **Сабзипояликларнинг ўрик етиштириш тажрибаси оммалаштирилади**



Термиз тумани “Солиобод”, “Сабзипоя” ва “Гулистон” маҳаллалари аҳолиси томонидан етиштириладиган эртапишар, ҳосилдор ўриклар нафақат юртимиз, қўшни давлатлар харидорларини ҳам доимо қизиқтириб келган.



Бугун вилоят ҳокими “Сабзипоя” маҳалласида бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашди. Нуронийлар, маҳалла фаоллари ва мутасаддилар иштирокидаги сухбатда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш борасида қилинган ишлар эътироф этилди.



Шунингдек, вилоят раҳбари маҳалланинг ўрик етиштириш тажрибасини оммалаштириш, хонадонлардаги томорқаларда 3 млн дона кўчат етиштириш, 5 минг гектардан ортиқ майдонда ўрик боғлари ташкил этилишини таъкидлади.

